

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ БОШҚАРИШ



Хайдарова Эъзога Шукуруллаевна
Тошкент архитектура-қурилиш институти таянч докторанти
E-mail: xaydarovaezoza55@gmail.com

Аннотация. Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришнинг назарий ҳамда қурилиш материалларининг инновацион ривожланишини ўрганиш натижалари келтирилган. Қурилиш материаллари саноатининг асосий жаҳон тенденциялари тасвирланган, ички ҳақиқатлар тасвирланган. Мамлакат қурилиш материаллари саноати комплексини ривожлантиришга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: қурилиш материаллари, қурилиш материаллари саноати, инновация, инновацион салоҳият, экспорт ва импорт имкониятлари, инновацион ривожланиш.

Аннотация. Представлены результаты исследования теоретических и инновационных разработок управления строительными материалами предприятий промышленности строительных материалов в нашей стране, описаны основные мировые тенденции отрасли строительных материалов, описаны внутренние реалии. Разработаны предложения и рекомендации по развитию комплекса промышленности строительных материалов страны.

Ключевые слова: строительные материалы, промышленность строительных материалов, инновации, инновационный потенциал, экспортно-импортные возможности, инновационное развитие.

Abstract. The results of the study of the theoretical and innovative development of construction materials management of the enterprises of the construction materials industry in our country are presented. The main world trends of the construction materials industry are described, internal realities are described. Proposals and recommendations for the development of the country's building materials industry complex have been developed.

Keywords: building materials, building materials industry, innovation, innovation potential, export and import opportunities, innovative development.

Кириш

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қурилиш саноатининг инновацион салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг асосий манбаси сифатида қаралади ва миллий бойликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий иқтисодиётда инновацион салоҳиятни шакллантириш, қўллаш, унинг механизмларини жорий қилиш ва ундан самарали фойдаланиш муаммолари ҳозиргача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Замонавий шароитда янги технологияларни иқтисодий айланишга жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш учун иқтисодий тизим сифатида қурилиш материаллари саноати корхоналарни инновацион ривожлантириш методологиясини ишлаб чиқмасдан ва инновацияларни ҳар томонлама баҳолашнинг услубий асосларини шакллантирмай эришиб бўлмайди. Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш хусусиятларини баҳолаш асосида аниқланади. Шундай экан, инновацион салоҳиятдан самарасиз фойдаланиш

рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиш жараёнини секинлаштиради ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтиради.

Қўлланилган материаллар ва услублар

"Инновация" тушунчасини олим Ж. Шумпетер томонидан фанга киритилган бўлиб, унинг таърифига кўра, бу технология ва бошқарувдаги ўзгаришлардан бошқа нарса эмас, чунки ресурслардан фойдаланишнинг янги йўналишлари, яъни "инновацион салоҳият" тушунчаси пайдо бўлади. Корхонанинг инновацион салоҳияти - бу корхонанинг инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш қобилиятини аниқлайдиган хусусиятлар мажмудир [1].

Шунингдек "инновацион салоҳият" тушунчасини бойитиш шунингдек унга таъсир этувчи омилларни иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари орқали кўриш мумкин. А.А.Трифиллованинг фикрича инновацион салоҳияти унсурлари қуйидаги омилларни ўз ичига олади:

1. Инновацияга мўлжалланган қисмлар.
2. Малакали кадрлар таркиби.
3. Молиявий ресурслар (бойликлар).
4. Моддий-техник таъминланиш.
5. Интеллектуал (ақлий) мулк [2].

Рус олимларидан Д.В.Филиппов ўз илмий татқиқотида: қурилиш саноати корхоналари иқтисодий фаолияти таҳлили ва инновацион салоҳиятига тизимли ёндашуви, мамлакат иқтисодётининг барча тармоқлари ташқи интеграция муносабатлари механизмининг мураккаб тизими эканлигини тушунишни назарда тутди.[3]

Маҳаллий олимлардан И.Абдурахмонов, Ш. Бобожонов, Р.И. Нурибетов, Г. Шаназаровларнинг мавзуга оид кўплаб илмий асарлари ва тадқиқотлари ўрганилган. Уларнинг фикрига кўра мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ўрни юқори ҳисобланади. Ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш ҳамда бошқарувнинг замонавий коммуникацион усуллари орқали соҳани инновацион ривожланиши юзасидан тизимли ишлар амалга оширилишини назарга тутишади.


Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз яшаш муҳитини яхшилаш, иқтисодий - ижтимоий муҳитни замон билан ҳамоҳанг бўлиши қурилиш саноатининг юқори технологияли ривожланиши билан узвий боғлиқ. Натижада ҳудудларни қулай яшаш ва муваффақиятли бизнеснинг тизимига айлантириш мумкин ҳисобланади. Қурилиш комплексининг инновацион ривожланиши яъни миллий, минтақавий, тармоқ ва корпоратив инновацион дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш давомида минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиши ва қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти ва маданиятини ривожлантириши учун иқтисодий ресурслардан максимал фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралда «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4198-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, республика давлат органлари ва корхоналарида инновацион фаолият бошқарувини замонавий усуллари илғор халқаро стандартларга мувофиқ жорий этиш ҳамда қурилиш материаллари саноати корхонаси раҳбарлари инновацион бошқарувининг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришларни амалга ошириш механизмларини ташкил этишнинг амалий эҳтиёжи борлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни самарали бошқариш муаммоси иқтисодий иерархиянинг барча даражалари раҳбарлари учун, мулк шакли ва иқтисодий тартибга солишнинг давлат тизимидан қатъи назар, доимо долзарб бўлиб келган. Қурилиш материаллари саноати корхоналари ишлаб чиқариш жараёнида техника-технологиялардан ташқари ходимларнинг қобилияти, малакаси ва иш тажрибаси бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни самарали бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инновацион салоҳиятни бошқаришни ташкил этиш орқали истиқболли қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацияларни бошқаришнинг янада самарали усуллари жорий этишни талаб қилади.

Тадқиқотчининг фикрича қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолаш, уни бир томонлама таҳлил қилиш орқали эмас, балки иқтисодий тизимлаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Иқтисодий тизимнинг таркибий элементлари таъсири бевосита бошқарув муносабатларида ўз аксини кўрсатади. Иқтисодий тизимнинг самарали ишлаши ва амал қилиши саноат корхоналарнинг инновацион салоҳияти самарадорлигини ошириш иқтисодий муносабатларни тўғри тартибга солиш, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали эришилади (1-расм).



1-расм. 2020 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши (% да) [4]

1-расмдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми бошқа мамлакатлар билан солиштирилганда, янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши 2020 йилда 10,20% ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Германияда 69,7%, Буюк Британияда 43,7%, Норвегияда 41%ни ташкил қилади. Шундан қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги инновацион маҳсулот улуши 3,2% ни ташкил этади.

2016-2020 йилларда Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати соҳасида эришилган натижалар бўйича таҳлилларини келтириб ўтсак. Таъкидлаш кераки, 2020 йилда 257 млн. АҚШ долларлик қурилиш маҳсулотлари экспорт қилинган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 4,6 баробарга ўсганлигини кўриш мумкин. Шунингдек қурилиш маҳсулотлари импорт ҳажми 2020 йил 468 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 91,6% га ошган. Натижада, Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсганлигини, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига бўлган талаб маҳаллий бозордаги истеъмоли ва жаҳон бозорига экспорт улушининг ошганлиги орқали кўришимиз мумкин бўлади.(2-расм)



2-расм. 2016-2020 йилларда Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати соҳасида экспорт ва импорт ҳажми

Манба: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2> маълумотларига асосан муаллиф ишланмаси.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми охириги 5 йилда сезиларли ўсганини кўришимиз мумкин. Натижада, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг замон талабларига мос ривожланган йўналишларининг кириб келиши, шунингдек хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш орқали қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари жозибдорлигини, рақобат бардошлигини ошириш ҳамда экспорт ва импорт ҳажмининг кескин ўсишига эришилади (1-жадвал).

2016-2020 йилларда Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда инвестицияларнинг ҳажми

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларининг сони (дона)	668	690	686	866	761
Инвестиция қиймати (млн. АҚШ доллари)	360	560	749	1333	1820
% даги ўзгариш нисбати	100	156	210	370	500

Ўзбекистонда 2020 йилда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдаги инвестицияларнинг ҳажми: қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 761 та лойиҳага 1 820 млн. АҚШ долларлик инвестициялар жалб қилиниб, 2016 йилга нисбатан 5 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Хусусан қурилиш материаллари саноати корхоналарига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг йил сайин ўсиши, қурилиш индустрияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификация қилиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришга сабаб бўлади.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш амалиёти шуни кўрсатадики, инновацион фаолият самарадорлиги молиявий ресурслар ҳажми ва инвестициялар қиймати ҳамда уларнинг ўз вақтида келиб тушиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш жараёнини бошқариш тизими мослашувчанлик, индивидуал элементларининг динамиклиги, ўзгартириш қобилиятига асосланган бўлиши керак. Шунингдек, қурилиш материаллари саноатида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини бошқариш, молиялаштириш манбаларининг муқобиллигига йўналтирилган бўлиши керак.

Хулоса ва тавсиялар

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини шакллантиришнинг барча босқичлари инновацион салоҳиятни шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, зарур маблағ миқдорини ҳисоблаш, инвесторларни жалб қилиш ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиш, зарур ресурслар билан ишлаш муддатларини аниқлаш имконини беради. Шундан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва тавсияларни беришимиз мумкин:

- қурилиш саноатида инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳани шакллантириш ва амалга оширишни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади. Натижада, корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, қурилиш маҳсулотлари сифатини яхшилаш ҳамда рақобатбардошлигини юқори даражада ушлаб туриш имконини беради. Бу эса инновацион жараённинг яхлитлик, тизимлилик ва мураккаблик каби муҳим тамойиллари ишлашига ёрдам беради;

- қурилиш саноатида замонавий материалларни жорий этиш мақсадида инновацион жараённинг асосий босқичлари аниқ кетма-кетликда бажарилишининг ташкилий схемани яратиш, самарадорликни прогнозлаш ва ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, инновацион фаолият стратегиясини аниқлаш ҳамда якуний

босқичда инновацион қурилиш материаллари лойиҳасини ишлаб чиқиш керак ҳисобланади.

- мамлакатимиз қурилиш саноатини ривожлантиришда инновацион салоҳияти самарадорлигини ошириш мақсадида лойиҳанинг Дастури стратегиясини аниқлаш ҳамда ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишнинг манзилли стратегияларини ишлаб чиқиш лозим;

- корхонанинг инновацион салоҳиятини бошқариш стратегияси мураккаб ҳарактерга эга бўлиб, унда соҳа субъектларининг ва давлат бошқаруви манфаатлари инобатга олиниши лозим. Бунинг натижасида, қурилиш саноати инновацион салоҳияти бошқариш самарадорлигини оширишда қурилиш саноатининг янги захиралари, манбаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини таъминловчи механизмларини тўғри йўналтириш орқали тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.С. Лукашов “Факторы формирования инновационного потенциала предприятия” Научно-технические ведомости СПбГПУ 4’ 2012. Экономические науки

2. Т.Т. Жўраев, А.А.Орипов „Миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш йўллари“ “халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. issn: 2181-1016

3. Филиппов Дмитрий Валерьевич “Системный подход к комплексной оценке инновационной деятельности”

4. <http://www.worldbank.org> – (Жаҳон Банки). 2020 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида янги инновацион турдаги маҳсулотлар улуши

5. stat.uz. маълумотлари